

Ниёзий (тахаллуси; исми Отаниёз Хўжаниёз ўгли, 1844 — Шовот тумани — 1928) — шоир, бастакор. Комилжон Отаниёзовнинг отаси. Хивадаги Арабхон мадрасасида ўқиган. Араб, форс тилларини ўрганган, аруз илмини пухта эгаллаган. Хивадаги Абдуллахон мадрасасида мударрислик қилган (1920). Мумтоз шеърятнинг турли жанрларида ижод қилган. Шеърларидан 3063 байтли девон тузган. Уларда халқ ҳаётининг турли томонлари акс этган. Ниёзий Хоразм макомлари учун чизикли нота тизимини яратишда Комил Хоразмийта яқиндан ёрдам берган. Ўзи ҳам бир қанча куйлар яратган. Хасан Жабарутийнинг «Ажойиб ул-осор» («Ажойиб ёдгорликлар») асарининг 7—9-дафтарларини араб тилидан форсчага таржима қилган (1907). Ниёзийнинг адабий меросидан намуналар турли мажмуа ва баёзларга қирган, улар Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади (инв. №120, 121, 192).

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Майи майхонадин ман нотавонни манъ этар зохид,  
Магар файзи илохий бориға бу иккида жохид.

Вараъ ахлига жаннат йчра бўлсун хур ила кавсар,  
Манга дайр ичра сахбо эврулуб тутгай ани шохид.

Бўлур махбуб боши олдида Мажнун кўнгул малкуб,  
Анингдек ким жунун ахли бўлур меҳроб аро сожид.

Жахон шавки аро бехуда истарсан вафо, эй дил,  
Бу бозор ичра, билгил, ул матоъ асру эрур косид.

Хама ишк ахли бўлса муттафик бардош бермаслар,  
Мухаббат бориғаким бўлмамишлардур манга ворид.

Тараххум қилмокин дунё арусидин тамаъ қилмок,  
Хаёледурки зиллат мўжиби бўлгай даги фосид.

Пазар қилмас нисор этмак учун маъшук аёкига,  
Дилу жон бирла дин нақдин мухайё қилса хар ноқид.

Инониятни кўй, эй нафс, аелинг тийра туфрокдур,  
Адусиз умр кўрсанг лоҷарам бўлгунг анга оид.

Пиёзий чарх золин ақд қилгонлар хама борди,  
Талок этқил ани бўлсанг агар ўз нафсинга оъқид.

\* \* \*

Хонакох ичра кириб хар кеча гавго килди шайх,  
Сода дил бечораларни асру расво килди шайх,

Чину ёлгонин каромат англагон элни мурид  
Айлабон, сўфи деб ахлокига шайдо килди шайх.

Гарчи феъли зишт эди, макр айлабон атрофида,  
Неча нодонларни ўз таврида пайдо килди шайх.

Хар дами фарёд этиб, бўкриб, кокиб ангушларин,  
Халкада чиндин машоидлик хувайдо килди шайх.

Ичкаридин тўк, хориждан ўзни рўза деб,  
Кизб ила ўз жонига зулмини амдо килди шайх.

Дайр пирининг иродат бирла бўлгил бандаси  
Ким, улусдин моли дунёни таманно килди шайх.

Истасанг хомушлик, дайр ичра кир, эй ахли хуш,  
Кўрки, хар дам хонакох ичра алоло килди шайх.

Шукр борий, эй Ниёзий, манъ этиб майдин мани,  
Бил охир сажжодасини рахни сахбо килди шайх.

\* \* \*

Ситамгар махвашо, хажрингда багримни кабоб этдинг,  
Петай кўз мардуми кони била олуда об этдинг.

Ниёзу ажз ила ахволи зорим арз килгандин,  
Газабнок ўлдинг асрулуку нозосо итоб этдинг.

Борурдин кўйинга манъ этдинг, аммо борганим билгач,  
Тузуб зулму ситам расмини каттиг ижтиноб этдинг...

Танимни оташи шавкинг аро солмок била хар дам,  
Кўнгулни дам-бадам ўз манзилида печтоб этдинг.

Кошинг шаклини меҳроб ичра кўрмак орзусида,  
Мухаббат касрини ахли вараъга фатхи боб этдинг.

Бошимни ўйнатиб сархуш самандинг бостириб ўтдинг,  
Ниёзийни бу янглиг мархаматдин комёб этдинг.

\* \* \*

Эй фалак, турлук хиёнатларни изхор айладинг,  
Билмадим журмим на эрди, эл аро хор айладинг.

Ходисоти дахрдин ранжида айлаб хотирим,  
Турфа иллатлар била жисмимни бемор айладинг.

Фош этиб афъоли ношоистами дахр ахлига,  
Ижтиноб айларга мандин асру бадкор айладинг.

Кўрсатиб бир дилрабони орази гулгунини,  
Ишкнда чандин балоларга гирифтор айладинг.

Бермайин васлига йўл харгиз анинг хижронида  
Кўзларим гирён килиб, багримни афгор айладинг

Нотавон жонимни ташлаб водийи фуркат аро,  
Неча муддат бир кўрарга гул юзин зор айладинг

Бир даме очмай Ниёзийнинг муроди чехрасин,  
Хар адоватким анга олам аро бор айладинг.

\* \* \*

Жамолин орзу айлаб бокиб хар ёна, хар ёна,  
Кўзум келмиш фироки дардидин гирёна, гирёна...

Агарчи ўлмаким бўлмиш муайян дарди ишкидин,  
Урарман билмасун деб эл кадам мардона, мардона.

Висолин фикр этарман кеча-кундуз тинмайин эмди,  
Тахайюр даштида овораман хайрона, хайрона.

Муяссар бўлса умри Нух йўк андин хеч парвойи,  
На дунё жойи шоди, балки бир гамхона, гамхона.

Абас манзилгахинг таъмири келдиким кўруб билдинг,  
Хама маъмурларнинг бўлмокин вайрона, вайронаТ

Вужуди касридин чиксун Ниёзий гар фарог истар,  
Вагарна солгусидур худ ўзин зиндона, зиндона.

\* \* \*

Эй фалак, комимга юрмай зохир этдинг эъвжож,

Етмади сендин замирим ичра бир дам ибтихож.

Макр ила дунё арусига мани домод этиб,  
Гарчи йўқдур хохишим ўртога солдинг издивож.

Улки максудим эди андинки банд айлаб мани,  
Кўрсатурсан неча кўз тутсам манга юз эhtiёж.

Басталик солдинг тамоми корима зулм айлабон,  
Бир ишимга сахв этиб, бермай кушоду инфирож.

Мунча бас эрмасму бир гулчехранинг ишки аро,  
Нотавон кўнглумга солдинг изтиробу ихтилож.

Хажрида килдинг базе бемор, хужжат истасанг,  
Чехраи зардим била заъфим килурман эhtiжож.

Эй Ниёзий, шиква килма чархи дундинки, казо —  
Дарду гамга айламиш жисминг хамирин имтизож.

\* \* \*

Истама, эй дил, вафо бўйини гулрухсордин  
Ким, хавои андалиб имкони йўк гулзордин.

Кил тааккулким адам сорига ул ишк ахлидин,  
Кайси бири кетди кўрмай дарду гам дилдордин.

Гар итобосо нигах бир катла килса асрамок  
Кайда мумкин элга жонин кўзлари хунхордин.

Муддати умрингда осойиш таманно айласанг,  
Ахли дунёдин бири бўл балки бу гаддордин.

Чарх золидин тамаъ килма мурувват, негаким  
Кўрмади дахр ахли бу хислатни ул маккордин.

Хонаках ахли мухаббат сиррига вокиф эмас,  
Иста они дайр аро хар тун сахар бедордин.

Дам-бадам ўзни жафо чекмакка муътод айлагил,  
Юз жафони кўрмагунгдур, эй Ниёзий, ёрдин.

\* \* \*

Истаган бўйи вафо бу гумбази вайронадин,

Тутди кўз гўё вафо дахр ичра хар жононадин.

Бемурувват ошнодин хўб эрур узмак кўнгул,  
(Ихтиёр) этмак абад хушхўйлиг бегонадин.

Жон кушини ишк ўтига ўртамак таълимини  
Ишк элига олмоки лозим эрур парвонадин.

Доимо жоми ажал андог тўлугдур бўлмагай,  
Холи харгиз нечалар шурб этса бу паймонадин.

Мард эмас улким мухаббат дардидин килди хазар,  
Жуз тахаммулни кўрулмас муддати мардонадин.

Эй Ниёзий, чирки гам этма замирига онинг,  
Дайр пири бирла бўлса чикмайин майхонадин.

\* \* \*

Эй кўнгул, билгил ганимат базми васл айёмини,  
Муддати умрида ким сипкарди.ишрат жомини?!

Бўлмади ишк ахли вуслат бирла харгиз комёб,  
Катъ этиб то солмайин бошдин вужуди домини.

Чарх давридин тамаъ килма фароги хотиринг,  
Ким фарогат истади олди онинг оромини.

Кимни кўрдингким мухаббат ахлидин бу дахр аро,  
Жавидони айш ила топкон хамиша комини?

Англагилким, ул замири пок эмасдур ишк аро,  
Махваши шамъи рухи асли ёрутмас шомини.

Кил хазар, дунё аруси макр ила хар дам сани  
Кўрсатур рогиб килурга орази гулфомини.

Эй Ниёзий, килмасун мафтун сани тахсини эл,  
Суд билмаслар анинг ахли дили икромини.

\* \* \*

Бир шикаста дилни ул кимса сарафроз айлади,  
Билгил они каъба ободига оғоз айлади.

Эй кўнгул, тарк эт мухаббат сўзи, мойил бўл анга

Ким, хамиша дўстлиг конунини соз айлади.

Одам улдур фарк этиб бедард ила дард ахлини,  
Зохири бошинда хар бирини афроз айлади.

Мўъмини комилдур ул оламга айлаб эхтиром,  
Вориси мурсал билиб эл ичра мумтоз айлади.

Табъ нафси холвадур ул кимки дунё шўхининг  
Касдида хаддин фузунрок хирс ила оз айлади.

Пок эмас ишкинг, Ниёзий, йўкса нечун дилбаринг  
Фарти истигно била хар дамда юз ноз айлади,

\* \* \*

Дариго, ул париваш молу дунёни назар килмас,  
Басе каттиг кўнгулдур фақри истигно асар килмас.

Жахон султонлигин табъи анинг харгиз кабул этмас,  
Музайян каср аро авранги Жам узра макар килмас.

Ажабдур химматиким мажлиси шохидин ор айлар,  
Мунаккаш бистарин зар риштани болин сипар килмас.

Махалли хайрат эрмас бўлмаса ишк ахлига нозир,  
Мухаббат ахлининг кошонаси сори гузар килмас.

Кийиб гулгун кабосин бодпойин секратиб хар дам,  
Жахон раъноларидек олам ичра шўру шар килмас.

Саропо мажмаъ ичра хилми тамкин манбаидурким,  
Пукат изхор этарда мажлис ахлидин хазар килмас.

Ниёзий, ул гўзал васли учун топшурса жон мулкин,  
Маломат лойик эрмасдур, анга чунким зарар килмас.

\* \* \*

Айлагил бедод этардин ижтиноб, эй махжабин,  
Бўл карам бирла мухаббат ахли шонида амин.

Ишк элинииг охи оташнокидин пархез кил,  
Кимки килди эхтироз андин, ул эрмиш хурдабин.

Шўхлик айлаб тагофил ичра солма ўзниким,  
Дод эрур ушшокдин гар фикр этарсен асру чин.

Бўлмаса лозим тараххум факр элига айламак,  
Не учун севди аларни анбиёи мурсалин.

Кимки ошик ложарам бечорадур хижрон аро,  
Хўб эмасдур айламак дарвешларга зулму кин.

Навъ инсондиндур улким тузди адл ойинини,  
Топди андин комини, бўлди шахи рўйи замин.

Мархамат килгил, Ниёзий, кўймади зикринг даме,  
Дашт аро бўлди гахи коми макон ичра макин.

\* \* \*

Дедим: мани бир лахзае хажрингда кўйма титратиб,  
Дедики: кўйгум рашк ўтин кўнглунгда эмди ўртатиб.

Дедим: тараххум айлагил атрофим олди хайли гам,  
Деди: алардур мунисинг танхо колурсан таркатиб.

Дедим: дариг этма манга, сахбои васлинг журъасин.  
Деди: кетар хушу хирад неткунг оларни тебратиб.

Дедим: жафою жаврдин озурда бўлмасму дилинг?  
Деди: демакка бошладинг хар сўз, забонинг ўргатиб.

Дедим: килурсан зуд кин, журмим на эркан билмадим,  
Дедики: ишкинг сиррини фош эттинг элга англатиб.

Дедим: келурдин кўйинга комим рикобинг бўсидур,  
Дедики: эмди келмагил, келсанг юборгум кувлатиб.

Дедим: Ниёзий хотирин харгиз паришон килмагил  
Деди: фирок андухидин ўлдургум они ингратиб.

\* \* \*

Бевафолар ишкида ўзни халок этмак абас,  
Фуркати шамширидин кўксини чот этмак абас.

Кеча-кундуз тинмайин хасрат чекиб хижрон аро,  
Мотамийлардек кўнгулни дарднок этмак абас.

Васлини айлаб таманно кўйида маскан тутуб,  
Жисми афгорини бу куй ичра хок этмак абас.

Ишк ўтига куйдуруб танни анинг хокистарнн,  
Еткуруб дил кўзгусига асру пок этмак абас.

Мехрсиз махбубнинг васлида шод ўлмок учун  
Хажри ранжини хавас бебийму бок этмак абас.

Бу сифат маъшук маъшуки хакикий ишкида,  
Волалигни дам-бадам билиштирок этмак абас.

Эй Ниёзий, бевафо махбубларнинг хажридин  
Тан уйин хуши хираддин инфикок этмак абас.

\* \* \*

Фирокинг дарди ахволим паришон айлади, эй шўх,  
Ишимда телба атворин намоён айлади, эй шўх.

Гами ишкинг аро тан кулбасининг асл бунёдпн,  
Сиришким селининг тугёни вайрон айлади, эй шўх.

Жамолинг партави гулшанда ногах мунжали бўлгоч,  
Кўзимнинг мардумини асру хайрон айлади, эй шўх.

Юзингдин бўлгоним айру кўнгулга жисм уйин гўё,  
Ажаб каттиг аламлик байтул эхзон айлади, эй шўх.

Висолинг иштиёки неча йиллар тийра кулбамни  
Хамоно жисми беморимга зиндон айлади, эй шўх.

Хаёли васлинг ишк ахлини кўнгли ичра хар соат  
Мухаббатлиг тасаввур бирла мехмон айлади, эй шўх.

Ииёзийнинг гунохи йўк эди хажрингда куйдирдинг,  
Магар ишкинсни кўнгли ичра пинхон айлади, эй шўх.

\* \* \*

Кўнгул тинмай чекар ун, эй паризод,  
Дамодам урганингдин тиги бедод.

Фирокинг килди кўнглум кулбасини  
Мухаббат дашти ичра мехнатобод.

Ёкиб хажринг ўти кул килеа жисмим,  
Гамим йўк этса хам бу кулни барбод.



Ажаб йўк шўълаи кўнглимга тигинг  
Суйи еткач килурдин оху фарёд.

Кетургил кўнглинга ашким суйинким,  
Су еткач тез бўлгай яхши фўлод.

Май ичма, тарки ишк эт, дема, эй шайх  
Мангадур дайр пиридин бу иршод.

Гаминг бузди Ниёзий хотирини,  
Хаёли васлинг аммо айлади шод.

\* \* \*

Лабларингни шарбатидур оби хайвондин алаз,  
Оби хайвон демайин ким, бал эрур жондин алаз.

Куфри зулминг ишк элини коми бўлди нечаким,  
Шахдин онинг кўрмиш онлар шахди имондин алаз..

Кўзларинг имосидин лаззат етар дилларгаким,  
Рамзига лаззат рамузи чашми хўбондин алаз.

Дарди ишкиндин ўлум холига етганларгадур,  
Нутки жонбахшинг Масех анфосидир, ондин алаз.

Васл умиди бирла бўлган фуркатинг ушшок аро,  
Ноумидликдин етишган доги хирмондин алаз.

Зулмати хижронда колгонларгадур жамиъ заханг,  
Дархакикат юз туман шамъи шабистондин алаз..

Хотирингдин махв килма бир даме махбубни,  
Эй Ниёзий, ёр ёди зикри султондин алаз.

\* \* \*

Махвашо, хуснинг гули бир неча кун хандон эрур,  
Кадринн бил эскуча боди хазон мехмон эрур.

Бўлди чун фарсуда ондин сўнг пушаймондин не суд,  
Вактини тутмок ганимат шеваи хубон эрур.

Ошики ошuftа холидин тагофил айламак,  
Лойик эрмасдур ва лекин хислати жонон эрур.

Маст эмас васлинг майидин ишк ахли нечаким,  
Кисмат айланган аларга сўзиши хижрон эрур.

Шод эрур васлинг таманноси била махзун кўнгул,  
Бўлмаса юз арзи хол олам анга зиндон эрур.

Фуркат айёмида гар ушшокинга рахм этмасаяг,  
Жонлари кошонасида оташи сўзон эрур.

Эй Ниёзий, бу паришон сўзларингни тарк этиб,  
Арзае кнлгил, йўк эрса мужиби хирмон эрур.

\* \* \*

Жахон айвони, эй дил, бир кухан кошона эрмишдур,  
Умид этмак анинг ободини вайрона эрмишдур.

Кишиким амният сахбосин онда орзу килди,  
Хирад асхобидин билма они, девона эрмишдур.

Ани ким маскани рохат демасдур хам кўнгул бермао,  
Эрур хуш ахлидин, бал окилу фарзона эрмишдур.

Баробар англабон суду зиёнинг, буду нобудин,  
Халойик ичра химмат сохиби мардона эрмишдур.

Жахон раъноларидин битмагай харгиз кўнгул коми,  
Нечун ким хар бири ишк ахлига бегона эрмишдур.

Вафо кўз тутмадилар ахли диллар дахр шўхидин,  
Сабаб улдур — жафолиг, бевафо жонона эрмишдур.

Ниёзий, дахри дундин айшу рохат топмогунг харгиз  
Эмас мумкин, буни бил, балки бир гамхона эрмишдур.

\* \* \*

Нигоро, ман нетай фирдавси файзосорни сансиз,  
Фародис ичра андокким гулу гулзорни сансиз,

Нихоли каддинг эрди сайрдин бўстон аро максуд,  
Вагарна найлагумдур ўзга хушрафторни сансиз.

Карорим бўлмагай сахрода хам шахр ичра, эй дилбар,  
Не килгум богни, на бог аро асморни сансиз.

Тузардин мажлис онда эрди максудим сани васлинг,  
На янглиг истарам бир сохиби асрорни сансиз.

Агарчи хурвашдур базм эли бўлмиш манга агёр  
Ким, анда истамасман кўзлари хумморни сансиз.

Жахон махвашларидин кайси биридур еанга матлуб —  
Дема, эй махвашим, неткум пари рухсорни сансиз.

Ниёзий махв килмас хотиридин бир даме фикринг,  
Нечук махв айлаб истар ўзга бир дилдорни сансиз.

\* \* \*

Мухаббат даштига рахбарсиз ургондек кадам ёлгиз,  
Кўрарман дахри дундин дам-бадам зулму ситам ёлгиз.

Тараб ишратгахида бўлмокимни орзу айлаб,  
Даме йўк кўрмаган ман зорга ранжу алам ёлгиз.

Фано бўлмай казои ишк аро кирган киши янглиг,  
Замон ўтмас мани махзунга етмай дарду гам ёлгиз.

Эмасдур хўблар султонини севмак манинг хаддим,  
На мумкиндур гадога бу сифат урмокга дам ёлгиз.

Хиёнат зохир этди чархи кажрафтор хар соат,  
Качон багримни килмай кон килур кўзларда нам ёлгиз.

Етишмай дарду гам, ранжу алам, зулму ситам хар дам,  
Манга оё етарму дахр шўхидин карам ёлгиз.

Ниёзий айлагил аъмоли сол(и)х харна мумкиндур,  
Умид эт, кетмагайсан ногахон мулки адам ёлгиз.

\* \* \*

Дил ахли дилбаридин ўзга хикоят этмас,  
Хар неча зулм еткач андин шикоят этмас.

Ўз махвашидин айру махвашлар илтифотин,  
Гар кўрса хаддин афзун харгиз сироят этмас

Чин ошик ул эрурким маъшукдин етушса  
Ранжу алам ададсиз шавкин нихоят этмас.

Хар навъ бўлса килгай махбубининг ризосин,  
Ўзга хабибларининг васлин риоят этмас.

Кўнгли рамида бўлмай хижрон гамин чекардин,  
Куйидин ўзга ерга асло хидоят этмас.

Ушбу риё мараздур, эй шайх, таркин этгил,  
Йўк эрса ёр курбин лутфи ииоят этмас.

Васл ахли даргаҳидин кувманг Ниёзийниким,  
Ўз холин англагандур эмди жинойт этмас.

\* \* \*

Кўрубдур кимса эл бедодидин озор ман янглиг,  
Лагадкўби замондин ким экан безор ман янглир.

Фалакнинг зулмидин йўктур манга осуда хол ўлмок,  
Киши бормуки килсам дардими изхор ман янглир,

Етиб осиб даврагон нотавон кўнглум эрур мажрух,  
Топилмас дил шикаста дахр аро бемор ман янглиг..

Хаводис шахнаси торож килди хонумонимни,  
Магар ул топмади ягмога факросор ман янглиг.

На хушдур улки, кўрмай ахли давроннинг жафосинн,  
Замон ўткарса бўлмай кўзлари хунбор ман янглиг.

Хароб этса тонг эрмас оху зорим кўкниким, килди  
Баляят тоши кимнинг кўксини афгор ман янглиг.

Ниёзий окил эрсанг катъ этиб элдин маошингни,  
Ўзингни анжуманга солмагил зинхор ман янглиг.

## **НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС**

Ўзгалар кўйида синсин пайкарим жо айласа,  
Жисмим ўлсун кул ёниб гар онда маъво айласа,  
Багрим оксун гайридин сўзиш хувайдо айласа,  
Кўнглум ўртансун агар гайрингга парво айласа,  
Хар кўнгул хамким сенинг шавкингни пайдо айласа.

Гайрини фикр айласам хажринг аро жовид ўлай,  
Курбатинг умидидин албатта беуммид ўлай.  
Фуркатинг зулмоти ичра сохиби таъбид ўлай,

Хар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,  
Хар киши хамки сенинг васлинг таманно айласа.

Сандин ўзга ёр зикри бир даме бўлса сўзум,  
Дуди хирмондин карорсун кахрабо янглиг юзум,  
Ахд боглаб нафсима айтурман, эй дилбар, ўзум,  
Ўзгалар хуснин тамошо айласа, чиксин кўзум,  
Ўзга бир кўз хам сенинг хуснинг тамошо айласа.

Хотиримга бошка ёди келса хок ўлсун дилим,  
Хам узулсин гайрига гах хам килур бўлсам белим,  
Хам куруб колсуи баданнинг маддаси бўлган гилим,  
Гайр зикрин ошкора килса лол ўлсун тилим,  
Кайси бир тил хамки, зикринг ошкора айласа.

Гайратимдин рашк аро хар гул юзи бир шуъладур,  
Ёкғали кўнглумни хам булбул сўзи бир шуъладур,  
Харна бўстон ичрадур балким ўзи бир шуъладур,  
Рашкдин жонимга хар наргис кўзи бир шуъладур,  
Бог аро ногах хиром ул шўхи раъно айласа.

Орзу бўлди азалдин кўнглума ишкинг фани,  
Бу жихатдан жисми афгорим баданнинг маскани,  
Сайъ бирла умрим ичра бир кўра олмай сани,  
Окибат жонимга етдим, эй хуш улменким мани,  
Гар кадах бирла харобот ичра расво айласа.

Бу ажаб хусни гули асло хазондин сўлмагай,  
Зулм этиб хар дам ўсанмай кўнгли харгиз тўлмагай,  
Ушбу гулшандин фалак золи доги гул юлмагай,  
Йўк огиздин нукта айтур махвашимдек бўлмагай,  
Гар куёш хар заррасидин бир Масехо айласа..

Турфадур мажнунлигим холимни билмасдур хабиб,  
Бир нафас бўлмас ифокатдин манга харгиз насиб,  
Волалиг дашти аро эмди бўлубдурман гариб,  
Келтуринг рафъи жунунимга парихон, эй табиб  
Ким, ул ансабдур пари хар кимни шайдо айласа.

Кўргусидур ходисоти даврнинг озорини,  
Дахр элидин муштагил билгай хасаднинг корини,  
Бўлгай ахволи паришон махв этиб азкорини,  
Субхдек бир дамда гардун кўймагай осорини,  
Ногах ахли сидк кўнгли мехрин ифшо айласа.

Золи дунё фикрида саргарма, сўлма нечаким,

Эй Ниёзий, алданиб узрини кўлма нечаким,  
Инкиёд айлаб анинг юзига кулма нечаким,  
Дахр шўхига Навоий сайд бўлма нечаким,  
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.